



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 13-sentabr. Payshanba • 111 (31.543) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 12 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ХУЭЙ ЛЯНЬЮНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Давлатимиз раҳбари меҳмони юртимизга ташрифи билан кутлар экан, ХХРдан бундай нуфузли делегациянинг келиши томонларнинг ўзаро манфаатли ривожлантиришга қизиқиши ортиб бораётганидан яна бир даволат эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги декларация икки томонлама ҳамкорлики кенгайтириш йўлидаги навбатдаги муҳим кадам бўлди. Олий даражадаги музокаралар доирасида ўттиздан зиёд сармоявий лойиҳани амалга оширишни кўзда тутувчи умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда, Деҳқонобод қалийли ўғитлар заводи ҳамда Кўнғирот сода заводининг қувватларини ошириш бўйича иш олиб борилаётган.

2012 йил август ойдан ХХРга Ўзбекистон табиий газини мунтазам етказиб бериш бошланди. «Ўзбекистон — Хитой» газ кувурининг учинчи тармоғини қуриш ва фойдаланишга топшириш ўрта Осиёдан Хитойга табиий газ экспорти ва транзитини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради.

Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик билан бирга, Ўзбекистонда Хитой компаниялари иштирокчида Юқори технологиялар санноат парки барпо этилиши ўзаро самарали ҳамкорликнинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлади.

Молиявий-техникавий ҳамкорлик кўлами жадал кенгайиб бормоқда. Унинг доирасида Хитой Давлат тараққиёт банки ва ХХР Экспорт-импорт банки ажратган кредитларнинг умумий миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Транспорт коммуникацияларини оптимallashtiriш — икки томонлама иқтисодий муносабатлардаги алоҳида устувор соҳа. Олий даражадаги келишувга биноан шу кунларда Навоий — Тяньцзинь йўналиши бўйича юклар авиаташуви йўлга қўйилди, истиқболда Эса ҳаво кемаларининг Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарларига парвозлари режалаштирилмоқда. Жорий йилнинг июль ойдан Тошкент билан Урумчи ўртасида йўловчи ташуви бўйича мунтазам рейслар амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг биринчи ярми якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 44,5 фоиз ўсиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Хуэи Ляньюи самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР ҳукумати Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликини кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди. Ушбу ташриф асносида қабул қилинган жами қиймати 535 миллион АҚШ долларига тенг ҳужжатлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришини алоҳида таъкидлади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Фракция муҳокамаси

ДЕПУТАТЛАР АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ

ЎЗХДП Сайловди дастури ижросига қаратмоқда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Йиғилишда фракция аъзолари билан бирга тегишли вазирилик ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур ҳужжат «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тайёрланган. Унда Солиқ кодек-

сининг 176 ва 179-моддаларига оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасаруфига ўтганда, унга солиқ солини маслигини назарда тутувчи қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



ЖАҲОН ПАХТА САНОАТИ ФОРУМИ

ТОШКЕНТДА 17-18 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ЖАҲОН ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ. УНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА ВА ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ КЎПЛАБ БИЗНЕС ТУЗИЛМАЛАР ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТМОҚДА.



Етакчи хорижий экспертларнинг таъкидлашича, халқаро ишбилармон жамоатчилиқнинг ушбу воқеага эътибори ортиб бораётгани бежиз эмас. Негаки, пахта бозорини янада ривожлантириш истиқболлари, пахта саноати ва унинг турдош тармоқларининг эртанги кунини аниқ шундай форумлар натижаларига боғлиқдир.

→ 3

«O'zbekiston ovozi» saytida o'qing

Partiyalararo bahs
ДЕМОКРАТИК
ЯНГИЛАНИШ
JARAYONI
 siyosiy kuchlardan o'z dasturlari ijrosi yo'lidagi izchil kurashishni talab etmoqda

www.uzbekistonovozi.uz

O'zbekiston ovozi Shu aziz VATAN — barchamizniki! +25°C

1918-YIL 21-UYUNDAN CHIQQA BOSHLAGAN

2012-YIL MUSTAHKAM OILA YILI

TENNIS MALIKALARI TO'SHKENTDA BELLASHMOQDA

Fotogaleriya Videogaleriya

Сўз — конференция иштирокчиларига

МАМЛАКАТИМИЗДА БОШЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚИРҚДАН ЗИЁД МАМЛАКАТДАН ИККИ ЮЗ ЭЛЛИККА ЯҚИН ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, БИЗНЕСМЕНЛАР, ОЛИМ ВА ЭКСПЕРТЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚАТОР НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗА МУХБИРИ АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАРДАН КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР ЎРНАК ОЛСА АРСИЙДИ



Кис ЛАДАЖ, «Fontis» университети профессори (Нидерландия):

— Мен таълим соҳасида фаолият юритиш билан бирга ўзимнинг хусусий «Intervine Consultancy» компаниямга ҳам эгаман. Тадбиркорлик борасида ҳам назарий, ҳам амалий тажрибага эга мутахассис сифатида Ўзбекистонда кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Компаниямиз ишбилармонларга инновацион лойиҳаларни амалга оширишда маслаҳат беради. Нидерландияда ҳам Ўзбекистон каби мазкур соҳани ривожлантиришга эътибор катта. Мамлакатимиз янги ички маҳсулотнинг 60 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри

келади. Кичик компаниялар катта корхоналарга нисбатан ёрдамга, моддий рағбатга ва амалий қўллаб-қувватлашга кўпроқ муҳтож бўлади. Ўзбекистонда янги иш бошлаган компанияларга имтиёзли кредитлар ажратиш борасида пухта тартибга солинган банк тизими шаклланиши эътиборлидир.

Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини корхоналарга ишга жойлаш, малакасини ошириш ва ўз хусусий бизнесини очишида уларни моддий ва назарий қўллаб-қувватлашнинг тўғри ва аниқ тизими йўлга қўйилган. Бу ёш тадбиркорларнинг бизнесга бўлган қизиқишини янада оширади.

Нориюки ЙОНЕМУРА, Япония иқтисодий ҳамғармасининг бозорга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш бўйича интеллектуал ҳамкорлик офиси бош котиб:

— Ўзбекистонда иқтисодиёт, маданият, фан-таълим, сайёҳлик, ахборот технологиялари каби кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилаётган беқиёс ишларга таҳсин айтса арзийди.

Кўплаб мамлакатларнинг етакчи фирми ва компаниялари Ўзбекистонга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиш билдираётганининг боиси — Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бораётганида. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаёт-

ган автомобилларга талаб тобора ортиб бораётгани ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, санноат жадал тараққиёт этаётгани ва халқ фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Долзарб мавзудаги ушбу халқаро конференцияда иштирок этиш мен учун катта шараф. Ушбу анжуман Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш, таниқли экспертлар, олим ва мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Сабина ГАЙЦЕНАУР хоним, «Avkgroup» компаниясининг минтақавий менежери (Австрия):

— Компаниямиз спорт жиҳозларини ишлаб чиқариш ва уларнинг дизайни, спорт заллари қурилиши билан шуғулланади. «Avkgroup» томонидан лойиҳалаштирилган барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт иншоотлари халқаро стандартларга тўла мос. «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзудаги

халқаро конференцияда қатнашиш асносида мамлакатингизда бу соҳада фаолият олиб боровчи фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш истагидамиз.

Австрияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари янги ички маҳсулотнинг тахминан 60 фоиздан ортигини ишлаб чиқаради. Иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилади.

Каспарс КЛЯВИНЬШ, Рига техника университети профессори, (Латвия):

— Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айнқисса, оилавий бизнесни самарали йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган изчил ишлар таҳсинга лойиқ. Жамиятнинг муҳим бўлаги бўлмиш оила даромадини ошириш оилани мустаҳкамлаш демакдир. Давлатингиз раҳбари томонидан оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган имтиёзли кредитлар, грантлар ва амалий ёрдам нафақат шаҳарлардаги, балки қишлоқ жойлардаги оилалар учун ҳам кенг имкониятлар яратаётгани жуда қувонарли. Ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволи ўрганилиб, ишга жойлаштириш истагида бўлган аёлларни иш билан таъминлаш чоралари, хотин-қизларни асосан касаначилик, оилавий бизнесга жалб этилаётганидан хабарим бор. Бу бо-

рада Ўзбекистондан кўп нарса ўргансақ бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривож мамлакатингиз танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини тасдиқлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгилаш, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоялар миқдориди ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўпгина мамлакатлар ўрناк олса арзийди.

ЎЗА мухбири Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

Фракция муҳокамаси

ДЕПУТАТЛАР АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ

ЎзХДП Сайловолди дастури ижросига қаратмоқда

— Бу оилавий корхона иш-тирокчиларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов**. — Шундан келиб чиқиб, партиямиз электрорати манфаатига хизмат қиладиган мазкур қонун лойиҳасини фракциямиз бир овоздан қўллаб-қувватлади.

«Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда батафсил муҳокама этилди. Қонун лойиҳаси 27 моддадан иборат. Унда хусусий банклар ва бошқа молия институтларини ташкил этиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари, хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятининг кафолатлари, шунингдек, улар фаолиятини текшириш тартиби белгиланган.

— Қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Зокиров**. — Унда белгиланаётган меъёрлар хусусий банклар ва молия институтларини



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.

ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш, банк ва молия бозорини мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, шунингдек, замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

«Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Қонунда бел-

гиланаётган нормага асосан, микрокредит ташкилотлари буюртма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида буюртма берувчига ёзма равишда ишончли ҳамда тўлиқ ахборот бериши шарт.

— Бундан ташқари, микромолиявий хизматлар кўрсатиш ташкилотлар зиммасига ажратиладиган кредитларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча ҳаражатлар, жумладан, номинал фойз ставка, комиссия ҳақ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи эф-фектив фойз ставкаси ҳақида

буюртмачига ахборот бериш юзасидан қўшимча мажбурият юклатилмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуҳақор Юсупов**. — Булар микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш, энг муҳими, микромолиявий хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Йигилишда, шунингдек, Ўз-

бекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кун тартибига киритилган 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг бажарилиши юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ахборотини эшитишнинг самарали ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

— Мазкур дастур ижроси партиямиз электрорати манфаати билан бевосита боғлиқ, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саидвали Аҳмедов**. — Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, фракциямиз бу масалада парламент эшитувини ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда. Бундан асосий мақсад мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, жумладан, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифаларнинг тўлиқ амалга ошишида парламентнинг ролини кучайтириш, сиёсий партиялар фаоллигини оширишдан иборат.

Кун тартибидан ўрин олган қонун лойиҳалари бўйича қатор таклифлар билдирилди ҳамда ЎзХДП фракциясининг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Икром МУСАЕВ

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН УЧРАШУВ

БУЛУНГУР ТУМАНИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ АЪЗОЛАРИ, БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ҲАМДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Баҳс-мунозаралар асосида ўтказилган мулоқотда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг

қўламли ислохотларда Булунгур туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг иштироки тўғрисида сўз юритилди. Шунингдек, касб-хунар коллежалари битирувчиларини иш билан

таъминлаш, коллеж-талаба-корхона тизимидаги уч томонлама шартномалар ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди. Бу йўналишда бошланғич ташкилотлар, партия кенгаши ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини янада кучайтириш, партия электрорати вакиллари билан мулоқотларни изчил йўлга қўйиб, кўтарилган масалаларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш зарур-

лиги таъкидланди. Учрашувдан сўнг кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Насрулла Шоназаров ва туман Кенгаши депутати Саодат Аллаёрова фуқароларнинг коммунал хизмат, тиббий ёрдам, ижтимоий ҳимоя ҳамда ишга жойлашish каби масалалар юзасидан мунозаараларни ўрганди. Депутатларимизга 20 дан ортиқ мунозаарат бўлди. Кўтарилган айрим масалалар жойида ҳал этилган бўлса, қолганлари юзасидан депутатлик сўрови юборишга келишиб олинди.

Шаҳноза ФАРМОНОВА

Депутатлик гуруҳлари — электрорат манфаати ҳимоячиси

ДАСТУРИЙ МАҚСАД ИЖРОСИ ЙЎЛИДАГИ КУРАШ

жиддий масъулият талаб этади

ИНСОН ЖАМИЯТДА МУНОСИБ ЎРИН ТОПИШНИ, ОИЛАСИ ТЎҚИСЛИгини таъминлаб, ҲАЁТДАН МАМНУН ЯШАШНИ ИСТАЙДИ. БУНИНГ УЧУН АЛБАТТА, У ЎЗИГА МУНОСИБ ИШ БИЛАН БАНД БЎЛИШНИ ЛОЗИМ. МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ БАНДЛИгини таъминлаш, МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА.

Ҳар йили ишлаб чиқилиб, парламент томонидан тасдиқланаётган «Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»дан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат. Дастур ижросини изчил таъминлаш, иш ўринлари очиб жараёнини икитисодийёт тармоқлари ва ҳудудлар бўйича тахлил қилиш, юзага келаётган камчиликларни бартараф этиш давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг алоҳида эътиборидир.

Янгиарик туманида 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 3870 та янги иш жойи очилиши режалаштирилган. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи партиямиз электрорати манфаатидан келиб чиқиб, дастур ижросини қатъий назоратга олган. Депутатлар дастурнинг ба-

жарилиши, бу борада белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида адо этилишини ўрганиб, мониторинг хулосаларини депутатлик гуруҳи йигилишида бир неча маротаба муҳокама қилди.

Туманда 101 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг 2293 нафари иш билан банд бўлмаган аҳоли тоифасига кирди. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида жорий йилнинг ўтган беш ойида 1619 та иш ўрни барпо этилди.

Бандлигининг самарали шакллари билан бўлган уй меҳнати, халқ хунармандчилиги ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Илҳамовидан 16 та корхона билан меҳнат шартномаси асосида 75 та касаначилик иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди. 5 ойида эса 42 киши касаначилик асосида фаолият бошла-

ди. Бироқ туманда касб-хунар коллежалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилган.

2011-2012 ўқув йилида тумандаги 6 та касб-хунар коллежани 1879 нафар ўқувчи таъминлади. Битирувчилар билан 572 та иш бериш ташкилот 3 томонлама шартнома имзолаган. Аммо шартномалар номингагина тузилган ҳоллар ҳам оз эмас. Яъни, касб-хунар коллежалари битирувчилари билан тузилган уч томонлама шартномаларнинг баъзиларида битирувчи, корхона раҳбарининг имзоси, муҳр қўйилмаган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, айрим жойларда ҳали-ҳамон аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига юзаки қараш ҳоллари учраб турибди. Шунингдек, кичик корхоналарга касб-хунар коллежалари битирувчиларини ишга қабул қилиш, касаначилик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича яратилган имтиёзлар, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Депутатлик гуруҳи буларнинг барчасини ҳисобга олиб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф тайёрлади. «Туманда касб-хунар коллежалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва бандлигини

атчили назоратини олиб бораёلمиз ҳамда депутатлик гуруҳи йигилишларида муҳокама этаёلمиз. Учраётган камчиликларни мутасадди ташкилотлар билан бирга ҳал этишга ҳаракат қилаёلمиз. Йил охирига қадар мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг яқиний хулосаларини яна сессия кун тартибига олиб чиқишни режалаштирганмиз.

Халқ депутатлари туман Кенгашида ЎзХДПнинг 7 нафар депутати бор. Улар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар беришмоқда.

Бу эса бевосита электрорат манфаатини таъминлаш, партиямиз дастурий мақсадларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ

АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИЛСА

партияга одамлар ишончи ортади

— МЕН ВАҚТИНЧА ИШСИЗ ЭДИМ. ЛЕКИН БУГУН «KRAV-TERS» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИГА ИШГА ЖОЙЛАШАДИГАН БЎЛДИМ, — ДЕЙДИ ЗИЛОЛАХОН ТОЖИБОЕВА ҚУВОНЧ БИЛАН.

— Тиббиёт коллежини битирганман. Иш тополмай юргандим. Бугун эса туман тиббиёт бирлашмасига ишга жойлашиш учун йўланма олдим, — дейди Дилоромхон Акбарова.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олтинкул туман кенгаши ташаббуси билан туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасидан кўпчилик қувонч билан қайтди. Ярмақда 22 та корхона, ташкилот ва муассаса 198 та бўш иш ўрини таклиф этди. Натижада 70 нафар фуқаро ишга жойлашиш учун ташкилотлар билан шартнома тузди. Уларнинг 45 нафари хотин-қизлардир.

Тадбир доирасида ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Олтинкул туман бўлими томонидан ташкил этилган «Мустақкам оила — жамият таянчи» мавзусида семинар ҳам бўлиб ўтди. Унда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ёш оилалар ҳамда электрорат вакиллари иштирок этди.

Семинарда ёш оилаларга, бирор хунарга эга бўлиб, ўз мустақил ишини бошлашни истганларга амалий ёрдам бериш масалалари ҳақида фикрлашилди. Оилавий тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланишнинг афзалликлари, бу борада юзага келаётган муаммоларни депутатлар ёрдамида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этиш бўйича таклифлар билдирилди.

— Партиямизнинг Сайловолди

дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касаначилик асосида меҳнат қилувчи аёлларнинг манфаатини ҳимоя қилиш каби вазифалар белгиланган, — деди **«Фаол аёллар» қаноти туман бўлими етакчиси Раҳбарой Дарвишева**. — Айни пайтда хотин-қизлар ўртасида шу мақсадга қаратилган учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бу каби тадбирларимизни асосан чекка ҳудудлардаги бошланғич ташкилотларда ва бугунги каби амалий аҳамиятга эга лойиҳалар билан ташкил этаёلمиз.

Уларда «Сийсатчи аёл», «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда «Фаол аёллар» қанотининг ўрни», «Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий масалалари», «Жамиятни демократлаштириш жараёнида хотин-қизларнинг роли» мавзулари муҳокама этилапти.

— Оилалар мустақамлигини таъминлашга қаратилган тарғибот ишларимизни бугунги тадбирга ўхшаш амалий ташаббусларимиз билан кучайтиришимиз керак, — деди **«Чакқон» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Насимахон Маликова**. — Тарғибот ишлари, бошқача айтганда, гапимизга амалий ишларимиз мос келмаслиги билан партиямизга одамлар ишончи ортади.

Семинарда хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнида «Фаол аёллар» қаноти иштирокчини янада кучайтиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

НАМАНГАН ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТимоий ҲАРАКАТИ ТУМАН БЎЛИМИ ВА ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЁШЛАР ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ!» ШИОРИ ОСТИДА ФЕСТИВАЛЬ ЎТКАЗИЛДИ.

ЁШЛАР ФОРУМИ

Унда партия «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, тумандаги ташаббускор йигит-қизлар қатнашди.

— Бугунги давр биздан ҳар қачонгидан ҳам оғош бўлиб, ўз ишшимизга масъулият билан ёндашишни талаб қилмоқда, — дейди **«Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган туман бўлими етакчиси Машхура Акрамова**. — Чунки локайликка йўл қўйиб, ёшлар тарбиясига бироз бўлса-да эътиборсизлик қилсак,

ғараз ниятли кимсалар бундан фойдаланишга уринишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Фестиваль давомида тасвирий санъат, зардўзлик кўргазмалари ташкил этилди. Унда иштирокчи ёшлар ўз иход намуналари билан иштирок этди. Фестивалда «Ниҳол» рақс дастаси ўзининг шўх рақслари, истеъдодли ёшлар Ватан ва ис-тиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари билан қатнашчиларни хушнуд этди.

(Ўз мухбиримиз.)

ЖАҲОН ПАХТА САНОАТИ ФОРУМИ

Бунинг устига, ушбу йирик бизнес-тадбирнинг йилнинг энг қулай вақти, яъни навбатдаги пахта ҳосилининг йиғим-терим даври авжига чиққан ва пахта бозорида олди-сотди савдолари фаоллашадиган пайтда ўтказилаётгани ҳам бажиз эмас. Бу тадбир пахта етиштирувчилар учун ҳам, уни қайта ишловчи корхоналар учун ҳам манфаатлидир.

Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда пахта саноатида улкан ислохотлар амалга оширилди. Бугун республикамизда пахтани халқаро талабларга мувофиқ етиштириш ва қайта ишлаш бўйича замонавий комплекс ташкил қилинди. Пахта ҳосилини етиштириш ҳажмининг барқарорлигини сақлаш ва жаҳон бозорида мамлакатимизда тайёрланаётган хомашё рақобатбардошлигини ошириш учун тола сифатини янада яхшилаш унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек пахта толасини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш, жаҳон бозорига маҳсулот етказиб бериш самарадорлигини ошириш ва мақбуллаштириш, пахта етиштирувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатилга кўмаклашиш давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган асосий вазифалар сирасига киради. Аввалги ярмаркаларда иштирокчилар бундай шаклдаги ҳамкорлик юқори натижалар бериши ва пахта толаси билан савдо қилишнинг бозор механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришига ишонч ҳосил қилди.

Юртбошимизнинг пахта далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича ташаббуси мустаҳкам асосга эга. Чунки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб турибди, ички ялпи маҳсулотнинг ҳар йили 8 фоиздан ошаётгани эса дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Хориқлик экспертларнинг умумий фикрига кўра, жаҳонда тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ислохотлар модели мамлакатимиз эришаётган ютуқларнинг асосини ташкил этади. Ушбу модель асосида миллий иқтисодиётимиз изчил модернизация ва диверсификация қилинмоқда, ички ҳақида ташқи иқтисодий сиёсат самарали амалга



оширилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатимиз сўнгги йилларда халқаро пахта бозорининг муҳим иштирокчиларидан бири сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон бугун дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради.

Энг юқоқ стандартларга жавоб берадиган ўзбек пахтасига бўлган талаб муттасил ошиб бораётди. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг мамлакатимиздаги шериклари билан мавжуд амалий муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва янгиларини йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган иштирокчилар сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

Масалан, 2005 йилда бўлиб ўтган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан қарий 170 трейдер ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, ўтган йили дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Шуниси эътиборлики, пахта етказиб бериш географияси дунёнинг янги-янги мин-

тақалари ҳисобидан тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жанубий-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиши ортмоқда.

Халқаро пахта ассоциацияси президенти Р.Батлернинг қайд этишича, жаҳон пахта бозоридаги талаб ва тақлифининг кўп йиллик таҳлили Ўзбекистон ушбу бозорнинг энг йирик иштирокчиларидан бири эканидан далолат беради. Мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳияти мунтазам ортиб бораётди. Изчил ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзбек толаси истеъмолчиларининг кенг қўламли эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Ўзбекистонда тола ишлаб чиқариш билан бирга тўқимачилик саноати ҳам самарали ривожланмоқда. Бу юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган жуда тўғри ва пухта ўйланган ёндашув бўлиб, миллий иқтисодиёт самарадорлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, четдан олиб келинадиган эмас, балки маҳаллий хомашёга асосланган тўқимачилик саноати бизнеснинг энг фойдали йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис хорижий ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция сарфлашдан манфаатдордир. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада қарий 150 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Еттинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси яқунлари бўйича 600 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича қиймати 550 миллион АҚШ долларида зиед ҳажмдаги шартномалар тузилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, бу йил ярмаркага дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан хорижий иштирокчилар ташриф буюради. АҚШ, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Хиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея Республикаси, МДҲ, Яқин Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси, Африка мамлакатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тадбирларда Пахта бўйича халқаро

маслаҳат кўмитаси ва «Cotton Outlook» агентлиги ҳам қатнашади.

Уларга жорий ва келгуси йиллар ҳосилидан тайёрланган ўзбек пахтасини етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун кенг имкониятлар яратиб берилади. Шу билан бирга, биржа ва ярмарка савдолари, етказиб бериш борасида узоқ муддатли ҳамкорлик, товарнинг сифатли кўрсаткичлари билан танишиш, икки томонлама музокаралар, ишлаб чиқариш, савдо ҳамда логистика соҳасидаги янгиликлар каби турли ҳамкорлик шакллари тақлиф этилади. Форум доирасида халқаро конференция, давра суҳбатлари, бўлажак шериклар билан учрашувлар, деҳқон хўжаликлари ва йирик халқаро терминалларга бориш ташкил этилади.

Ярмарка давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг юзлаб намунаси қатнашчилар эътиборига ҳавола этилади. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахта «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан берилган сертификатга эга бўлади. Пахта толасини текшириш учун марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида ўрнатилган НВИ юқори технологик тизимлардан фойдаланилмоқда.

Ярмарка қатнашчилари товарни хориқлик истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича такомиллашган инфратузилмани ўз кўзлари билан кўришлари мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 22 ихтисослаштирилган пахта терминалларида бир пайтнинг ўзига 400 минг тоннадан зиёд пахта толасини сақлаш мумкин. Кенг тармоқли логистика тизими шакланган транспорт йўлаклари бўйича маҳсулотни дунёнинг энг чекка жойларига ҳам қисқа муддатда етказиш имконини беради.

Ўзбекистонда тола ишлаб чиқариш билан бир қаторда тўқимачилик саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Халқаро форумнинг ушбу иккинчи қисми мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қароридан ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хо-

машёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизда экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сотиш бозорларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган. VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари ҳам махсус ташкил қилинадиган кўргазмада кенг тақдим этилади. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз тўқимачилик саноати салоҳиятини намойиш этишни режалаштирмоқда. Тақдимот давомида соҳада бериш имтиёз ва преференциялар, яратилган қулай инвестицион муҳит, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, банк-молия, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таништирилади.

Бу борада «Uztex» компаниялари гуруҳининг самарали фаолияти намуна ҳисобланади. Унинг таркибига тарақли ва кардли дастгоҳларда йиғирилган ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Uztex Tashkent», юқори сифатли тўқимачилик полотноси ишлаб чиқарадиган «Uztex Chirchik», тайёр тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарадиган «Eurotex Tashkent» қўшма корхоналари киради. Бундай бирлашма уларга юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш имконини бermoқда. Уларнинг катта қисми хориқга етказиб берилмоқда.

Бугун Ўзбекистонда тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг 40 дан ортиқ давлатига экспорт қилинаётди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳузурда замонавий либослар моделларини яратиш учун дизайн-марказ ташкил этилган бўлиб, ўтган йилги ярмаркада дизайнларимиз томонидан ўзимизнинг матолардан тайёрланган ранг-баранг ва узига хос либослар намуналарини кенг намойиш этганди.

Авалги борада пахта ва тўқимачилик ярмаркалари Ўзбекистон пахта-саноати маҳсулотлари жаҳон бозорига юқори баҳоланиши ҳамда улар кўпгина давлатларда харидорларнинг эъқанини кўрсатди. Энди эса эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ва изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги 1438- ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги 1474-сон Қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида

амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом-ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

2-илова

Инвестиция тақлифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реқвизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.

3. Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона(мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реқвизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;

охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциали.

4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.

4.2. Ишлаб чиқариш:
лоийҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Куриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги кури-

лиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.

4.4. Молиялаштириш:
лоийҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, куриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лоийҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция тақлифининг

ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун	ўлчов бирлигига мувофиқ		

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция тақлифи (намуна бўйича);
Инвестиция тақлифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:

Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.
Ўзбекистон Банклари уюшмаси биноси, 15-қavat.
Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

1. _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. _____ (тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3. _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- Инвестиция тақлифи;
- Инвестиция тақлифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.
Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр)

(Ф.И.О.)

Ижтимоий ҳимоя

ИНСОНЛАРДАГИ ЭНГ ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Ўзгалар ҳақида ғамхўрлик, ёрдамга муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатишда намоён бўлади

ПОЙТАХТИМИЗДА МЕХР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ БОШҚАРУВ ВА ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ, УНИНГ ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН ВАКОЛАТ-ХОНАЛАРИ РАИСЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОКИДА ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ФОНД ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА ҚАДАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ. ЙИГИЛИШНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ, СЕНАТОР ФАРИДА АБДУРАҲМОНОВА ОЛИБ БОРДИ.

рий йилда Тошкент тиббиёт академиясида ташкил этилган локал тармоқни компьютерлар билан таъминлаш ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази моддий-техник базисини мустаҳкамлаш, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жарроҳлик бўлимини зарур инвентарлар билан жиҳозлаш ва шу йўналишдаги бошқа мақсадлар учун 842 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик маблағи ажратилди.

киши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олиш учун эса 21 миллион сўмлик дори-дармон воситалари ажратилди.

Васийлик кенгаши раиси этиб Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов сайланди.

Одамларга меҳр улашиш, айниқса, кам таъминланган ва жисмоний имкониятлари чекланган кишилар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, улардан ўз муруввати, хайр-саховатини аямаслик ҳалқимизга хос бўлган азалий қадриятлардан ҳисобланади. Бу тушунчалар улугланган, мазмун-моҳиятига кўра янада бойитилган жамиятда тинчлик-тотувлик, ахиллик бўлади, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик мустаҳкамланади.



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди ташаббуси билан амалга оширилаётган хайрли ишлар замирида ҳам энг аввало шу каби эзгу мақсадлар мужассам. Фонднинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти фикримизнинг ёрқин далилидир.

— Жорий йилда фонд ва унинг вилоят, шаҳар, туман ваколатхоналари, жойлардаги ҳокимликлар, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексаларга, ногиронларга кўмак бериш, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар, протез-ортопедия буюмлари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар қилинди, — дейди фонд бошқаруви раиси Асрор Мирзахмедов. — Бу ҳақда сўз кетганда фонднинг Бухоро вилояти ваколатхонаси 70 дан зиёд, Қашқадарё вилоят ваколатхонаси 800 дан ортиқ оилалар, Жиззах вилоят ваколатхо-

наси эса 400 нафар ёрдамга муҳтож кишилар учун хайрия тadbирлари ташкил этиб, уларга моддий ва маънавий кўмак берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Умуман, шу йилнинг сентябрь ойигача хайр-эхсон тadbирлари ўтказишга 51 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларда қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида ҳомийлик қилиш фондимизнинг энг асосий вазифалари сирасига киради. Шу боис жо-

рида дастури ўтказилди. Шунингдек, Охангор туман саҳоват уйидаги 100 нафардан ортиқ нуронийларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бу йўналишдаги тadbирлар Қуйи Чирчиқ, Ангрэн, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Пискент, Янгийул туманлари ва Бекобод шаҳрида ҳам ташкил этилди. Шу билан бирга, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ота-оналарнинг тиббий ва эстетик маданиятини ошириш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга ҳам эътибор қаратилди.

Бразилия — 2014

МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОА — МИЛЛИЙ ФУРУР

ҳар қандай вазиятда ҳам уни қўллаб-қувватлашимиз, галабага руҳлантиришимиз зарур



Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

11 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТЕРМА ЖАМОАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН БУ ЎЙИНДА 2:2 ҲИСОБИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.

Бу футбол байрами ҳаяжонли ва ғурурли воқеа билан бошланди. Ўзбекистон давлат мадҳияси янграган пайтда стадионда йиғилган ишқибозлар ўринларидан туриб, бор овозда мадҳияни қуйлашди. Мадҳия тугагач, стадионнинг ярмини эгаллаган Ватанимиз байроғи кўтарилди. Ишқибозларнинг ушбу ҳаракатлари футболчиларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшганига шубҳа йўқ.

Кореяликлар бош мураббийи ўйиндан кейинги матбуот анжуманида «Ўзбекистон терма жамоаси бу даражада тақовузкор ўйин кўрсатишини кутмагандим»

деди. Дарҳақиқат, футболчиларимиз курашини катта шиддат билан бошлаб, рақибни довдиратиб қўйди. Тезкор ҳужумлар натижасида Сервер Жепаров бурчакдан ошириб берган тўпни Санжар Турсунов боши билан дарвозага йўналтирди. Тўп рақиб ўйинчиси бошига тегиб, дарвоза тўрига бориб тушди. Вакилларимиз иккинчи голни ҳам уришлари мумкин эди. Афсуски, вазиятлардан унумли фойдалана олмаслик яна кўзга ташланди. Бўлим охирида рақибларимиз ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимда ҳамюртларимиз ўйин суръатини биров бўшаштиргач, кореяликлар ҳисобда олдинга чиқиб олди. Шу лаҳзаларда мухлислару футболчилар кўнглидан нималар ўтганини яхши биламиз. Майдонда энг фаол ҳаракат қилганлардан бири Санжар Турсунов орадан уч дақиқа ўтиб, гол киритиб, ҳисобни тенглаштирди.

Футболда энг муҳими натижа. Ўйиннинг қандай кечгани унутилади. Лекин футболчилар жонини бериб ўйнаса-ю, ютолмаса, улар меҳнатидан кўз юмиш адолатдан эмас. Уларни охиригача қўллаб-қувватлаш зарур. Жанубий Корея билан бўлган учрашувда асл ишқибозлар ўйиндан кейин ҳам стадионни тарк этмади. Футболчиларимизни қарсақлар билан кузатиб қўйишди. Гол урилганда, галабага эришилганда байрам қилиш ҳаммининг қўлидан келади. Лекин оғир пайтларда футболчиларнинг руҳини кўтариш ҳақида ҳамма ҳам ўйлавермайди.

Тўғри, биз муҳим оқналарни бой бердик. Аммо вазиятни ўнглаш имкони бор. Кейинги турда сафарда Қатарни юта олсак, гуруҳда иккинчи ўринга кўтарилиб оламиз. Гуруҳдаги рақибларимиз Ливан ва Эрон терма жамоаларининг ўйинида ливанликлар кичик ҳисобда галаба қозонди. Эроннинг мағлубияти бизнинг фойдамызга хизмат қилади.

Биз Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш йўлида ҳаракат қилишимиз. Бугенга осон ўйинлар бўлмайди. Мураббийларимиз йигитларни учрашувларга яхши тайёрлай олса, футболчиларимиз майдонда уларнинг кўрсатмасини тўлиқ бажарса, биз уларни доимо қўллаб-қувватлаб турсак кўзланган мақсадга, албатта, эришамиз.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тadbир

БАНК ТИЗИМИ: МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ЖАҲОН БАНКИ ҲАМКОРЛИГИДА «ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА АУДИТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» МАВЗУСИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Маълумки, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банкларига молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларнинг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш кўзда тутилган эди.

Семинарда Жаҳон банки мутахассислари бу борада Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган чора-тadbирларни юқори баҳоладилар.

Тadbирда маҳаллий ташкилотлар вакиллари Марказий банк томонидан амалга оширилаётган Жаҳон банкнинг «Банк тизимида Молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш» лойиҳаси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлиб, уларнинг қизиқтирган масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа доирасида Молиявий ҳисоботлар ҳамда Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниши ҳамда метёрий ҳужжат сифатида қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ


Шоҳмат

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УЧРАШУВ

Шоҳмат мухлислари 40-Бутунжаҳон шоҳмат олимпиадаси ўйинларини катта қизиқиш билан кузатиб борди. Айниқса, 10-турдаги 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва 18-жаҳон чемпиони Веселин Топалов ўртасидаги учрашув кўпчиликнинг диққатини тортди. Биз икки таниқли гроссмейстер ўйинининг матнини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ҚОСИМЖОНОВ (Ўзбекистон) — ТОПАЛОВ (Болгария)
Истанбул, 2012

Фарзин гамбити
1.d4 Oф6 2.c4 e6 3.Oф3 d5 4.Oc3 Фe7 5.Фf4 0-0 6.e3 Obd7 7.Фe2 dxc4 8.0-0 c5 9.dxc5 Oxc5 10.Фxc4.



10...Фd7 Топалов қўллаган бу янги юриш унинг вазиятини аста-секин ёмонлаштирди.

11.Oe5 Фe8 12.Фe2 Rc8?! Бу ҳато юриш. Фарзинни b6 хонасига юриш яхшироқ эди.

13.Pc1 h6 14.h3 Ф3xd1 15.Pfxd1 g5 16.Фg3 Шg7 17.Фf3 b6?!



18.Oe2! Бу юриш билан оқлар ҳужумга тайёргарлик кўришяпти.

18...Pd8 19.Od4 a5 20.Oc4 Ofe4 21.Фe5+ Фf6 Кўпол ҳато. Бу оқларга ақунловчи комбинацияни амалга оширишга имконият яратди.

22.Фxe4 Oxe4 23. Oxe6+ Қоралар таслим бўлди.

Асрор МҮМИН тайёрлади.

ОБ-ҲАВО 13-14 — 09. 2012

Юртимиз буйлаб (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+8 / +13 +22 / +27

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+10 / +15 +25 / +30

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+10 / +15 +25 / +30

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+11 / +16 +26 / +31

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+12 / +17 +25 / +30

Тошкент шаҳри

+13 / +15 +26 / +28

Дунё буйлаб (°C)

Лондон +8 / +10

Париж +10 / +9

Москва +4 / +3

Мадрид +11 / +10

Пекин +12 / +11

Канберра -1 / -3

Рим +14 / +11

Афина +15 / +14

Токио +22 / +20

Стокгольм +8 / +9

Кейптаун +7 / +9

Қохира +18 / +18

Гавана +19 / +19

Вашингтон +12 / +12

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАНРИР НАҲ’АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G’ULOMOV	Ulug’bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat’yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o’rinbosari)	

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamiatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko’chasi, 32-uy.
Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko’chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 946 10525 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari O‘zA yakuni — 23.20 Topshirilgan vaqti — 23.45
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Bardambek SA‘DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG‘ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2008-7633
1 2 3 4 5